43 (477)
2005 йил 26 октябрь
Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2
▶ Мафтункор, лекин алдамчи Америка...
▶ "Нодонга улфат — қон ютар!.."

3
▶ Кўпнинг назорати — кўпга фойда
▶ "Намуна"нинг намунавий ишлари

4
▶ "Мўъжам ал-Булдон" — мамлакатлар луғати
▶ Каштачиларни ишга ким чорлайди?

Тошкент шаҳри

Қарор ва ижро

АСКАР ХИЗМАТДАН МАҲАЛЛАСИГА ҚАЙТДИ

Хабарингиз бор, яқинда Президентимиз "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб қайтган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги Қарори асосида мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарлардаги мудофаа ишлари бўлимлари томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ёшларни саралаш, кўрикдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда. Ўз навбатида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитларимизни жойларда кутиб олиш борасидаги ишлар ҳам қизғин паллага кирган.

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Яккасарой тумани ҳокимлиги ҳамкорликда хизматдан қайтган бир гуруҳ йигитларни кутиб олиш мақсадида катта тадбир уюштирди. Туманнинг Табассум гузарида ўтказилган ушбу шодиёнада собиқ аскарлар ва уларнинг ота-оналари, яқинлари, маҳалладошлари иштирок этди.

Дарвоқе, ўз йигитлик бурчини шараф билан адо этиб, яқинлари, маҳалладошлари даврасига ёруғ юз билан қайтган ва ушбу тадбирнинг ташкил этилишига сабабчи бўлган ўғлонлар сони 29 нафар. Уларнинг барчаси шу туман фуқаролари.

— Юртимизда тинч-осуда ҳаёт ҳукм суриши, одамларимизнинг фаровон турмуш кечириши мамлакатимиз сарҳадларининг ҳар томонлама мустаҳкамлигига боғлиқ, — дейди Наманган вилоятида Чегара қўшинлари сафида хизмат қилган собиқ аскар Шерзод Абдуллаев. — Шу боисдан ҳам чегарани қўриқлаш йигитларимиздан ниҳоятда юксак масъулият талаб қилади. Сарҳад мустаҳкамлигини таъминлашда жасур ва довюрак бўлишнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун ватанпарвар, эл-юртга муҳаббатли ва садоқатли бўлиш, мамлакатнинг эртанги куни учун масъулликни ҳис қилиб яшаш даркор.

Тадбир чоғида ўғлонларнинг ҳар бирига Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси, Яккасарой тумани ҳокимлиги ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан махсус совғалар топширилди. Энди уларни хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаролик мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишга жойлаштириш чора-тадбирлари кўрилади. Бу жараёнда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, фаолларининг ташаббуси катта бўлиши аниқ.

МУХБИРИМИЗ

Фаолиятда зарур

МАСҲАТЧИЛАР УЧУН ҚЎЛЛАНМА

Маълумки, ўтган йилда мамлакатимиздаги барча фуқаролар йиғинлари таркибида янги — диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилган эди.

Орадан кўп вақт ўтмай Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги 299-сонли қарори билан тасдиқланган ташкилий, ташвиқот чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида "Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси фаолияти тўғрисида Намунавий Низом" ишлаб чиқилди.

Айни пайтда фуқаролар йиғинларида ишлаётган маслаҳатчилар ушбу Низом асосида фаолият олиб бормоқдалар.

Яқинда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ушбу Намунавий Низом матни қўлланма ҳолида нашр этилди.


ЎЗБЕКИСТОН ОҚСОҚОЛЛАР КЕНГАШИ
«МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИНИНГ ДИНИЙ МАЪРИФАТ ВА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАДАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИСИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

НАМУНАВИЙ НИЗОМ

Тошкент - 2005

Қўлланмада низом матни ўзбек ва рус тилларида берилган. Шунингдек, Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви ҳамда Республика Хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг 2005 йил 17 августдаги Қарори ҳам қўлланмадан жой олган.

Ўйлаймизки, мазкур янги нашр маҳалла тизими ходимлари, жумладан, маслаҳатчилар фаолиятида дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

— Яна нима дейди?
— Иван Кан "Mahalla"ни севаркан, — дейди.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАСИ — ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ МАНБАСИ

Ушбу йил Ўзбекистон деҳқонлари ҳар йилгидан самаралироқ меҳнат қилдилар. Тўғрироғи, мамлакатимизда Юртбошимизнинг бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар, халқимизнинг меҳнатга азалдан ижобий муносабати яна қайтадан шаклланиб бораётгани самараси йилдан-йилга яққол кўзга ташланиб бормоқда. Бу йилги ҳосилни етиштиришда, айниқса, уни йиғиб-териб олишда фуқаролар йиғинларининг ташкилотчилиги катта аҳамият касб этди. Тошкент вилояти пахтакорларининг меҳнат зафарида ҳам бундай фаоллик яққол сезилади.

СУРАТДА: *Бекобод тумани Дўстлик маҳалласи уй бекалари "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги пахтазорида.*

С.ДЕҲҚОНОВ олган сурат.

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

КИЧИКЛАР КАТТА МАЙДОНДА

Улар келажакда катта ютуқларни орзу қилмоқда

Айни пайтда юртимизда спортга иштиёқманд болалар, ўсмирлар ва ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Улар орасидан истеъдодлиларини аниқлаб, муносиб тақдирлаш ва бу орқали мамлакатимиздаги барча ўсмир ва ёшларни спортга кенг жалб қилиш маҳалла тизими ходимларининг зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган анъанавий "Футболимиз келажаги" турнири мусобақалари ҳам ана шу мақсадда ташкил этиб келинмоқда. Анъанавий бу турнирни ташкил этишда Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси ва кўплаб бошқа давлат ва нодавлат ташкилотлари яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Эътиборли жиҳати, ушбу турнир мусобақалари мамлакатимиз маҳаллаларида оммавий равишда болалар спортини ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шунингдек, ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб вояга етказишга хизмат қилаяпти.

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Бу галги кўрсатмани оқсоқол айтади. Ал-Бухорий маҳалласи жамоаси аъзолари ва маҳалла оқсоқоли М.Исмоилов.

Жорий йилда ҳам анъанавий турнир беллашувлари дастлаб маҳаллаларда, туман ва шаҳар миқёсида ўтказилди. Сўнгра ғолиб жамоалар кейинги босқичда баҳс олиб бордилар. Айтиш жоизки, жойларда бўлиб ўтган ушбу беллашувлар ғолибликка даъвогар жамоаларнинг қизғин курашлари остида ўтди.

Давоми 2-саҳифада

Воқелик ва тафсилот

АМЕРИКА — ЕТАКЧИ МАМЛАКАТ

ЛЕКИН У ҚАЙ ТОМОНГА ЕТАКЛАЙДИ?

АҚШ демократик матбуотнинг асосчиси ва ОАВ соҳасида "мода"лар қўлловчи мамлакат деб тан олинади. Ҳар ҳолда очиқ-ойдинликда, ҳаққонийликда ва ҳар ерда ҳозиру нозирликда америкалик журналистларнинг тенги йўқ. Аммо бу борада шундай эгриликлар ҳам борки, буни бошқа мамлакатлар ҳар доим ҳам ҳазм қилавермайди. Яъни шов-шувга берилиш, маълумотлар бўрттиришга ўчлик, тажовузкорлик кўринишларини намойиш этиш, фаолиятни тижоратлаштириш биринчи вазифага айлантирилади. Америка журналистикаси тажрибасида шундай воқеалар ҳам бор: репортер-ўғил воқеа жойига рақобатдош газетада ишловчи репортер-отасидан илгарироқ етиб бориш мақсадида унинг машинаси шинасини тешиб қўяди. "Ассошиэйтед Пресс" журналисти билан юз берган ҳодиса ҳам кўпчиликка маълум. Ўз вақтида ўзаро рақобатдаги "Ассошиэйтед Пресс" ва "Юнайтед Пресс" ўз фотомухбирларини Далай-Ламани суратга тушириш ҳақидаги тезкор топшириқ билан узоқ Тибетга сафарга йўллайди. Биринчи фотомухбир рақобатдошдан тезроқ улгуриш мақсадида шошилиб Лама ён-атрофидаги кишилардан бирини Лама деб ўйлаб суратга оладию, тезкор равишда ортга — АҚШга учиб кетади. Фақат қайтиб келгачгина унинг керакли одамни эмас, бошқасини суратга олиб келгани маълум бўлади.

Давоми 2-саҳифада

Мурожаатга муносабат

ШИКОЯТ КОМИССИЯ КУН ТАРТИБИДА

Таҳририятга Сурхондарё вилояти Денов тумани Ҳазорбоғ ширкат хўжалиги ҳудудидаги Жаматак маҳалласи фуқароси Мунаввар Қобилова уй-жой қуриш учун жой сўраб ёзилган арзномалари натижасиз қолаётгани ҳақида мурожаат қилиб, масалага ойдинлик киритишда ёрдам сўраганди. Биз бу мурожаат билан боғлиқ мавжуд вазиятни ўрганиш ва имкони топилса масалани ижобий ҳал этилишини сўраб, бу шикоятни туман ҳокимлиги эътиборига ҳавола этгандик.

Яқинда ушбу мурожаатимизга туман ҳокими А.Ҳожиқулов имзоси билан жавоб олдик. Унда М.Қобилованинг шикояти атрофлича ўрганилгани, унинг оиласи дарҳақиқат кам таъминланган оила ҳисобланиб, йиғиндан тегишли тартибда нафақа тўланиши баён этилган. Оила яшаб турган ҳовли-жой 19 сотихдан иборат бўлиб, айни кунда бу оила учун қўшимча томорқа ажратиш масаласи йил якунида туман ер ажратиш ва уй-жой комиссиясида яна бир бор кўриб чиқилиши, унинг хулосаси ижобий бўлган тақдирда М.Қобилова оиласига қўшимча ер майдони ажратилиши мумкин.

Тошкент вилояти

"Mahalla" ҲАМКОРИМИЗ —

қуйичирчиқлик муштарий Иван аканинг эътирофи шундай

Қуйи Чирчиқ туманидаги Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғинига кейинги олти йил мобайнида Иван Кан раислик қилиб келмоқда. Оқсоқол маҳалланинг ўзига хос жиҳатларини аллақачон ўзлаштириб улгурган, у кўп йиллар ҳудуддаги 4-мактабда ўқитувчилик қилган. Маҳалла аҳли бутун ғайрат-шижоатини йиғин фаолиятига бағишлаётган оқсоқолдан миннатдор, уни "оқсоқол Иван ака" дея ҳурмат қилишади, ардоқлашади.

— "Mahalla" газетасини бемалол ўқийман, бу — фаолиятимиз учун жуда фойдали нашр. Уни маҳалла ходимлари ва фаолларининг энг ишончли ҳамкори десак ҳам бўлади, — дейди Иван ака.

Шерқўзи ИМОНОВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси

ХЎЖАЙЛИНИНГ ЯНГИ КОРХОНАЛАРИ

Хўжайли шаҳрида бугун яна кўплаб кичик корхоналар барпо этилиб, аҳоли учун янги иш ўринлари яратилмоқда. Марказий деҳқон бозори гузарида яқинда ишга туширилган кўп тармоқли "Ўринбой" фирмаси ана шундай кичик корхоналардан.

Икки қаватли бу муҳташам бинода аҳолига хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари мавжуд. Тикиш-бичиш, гиламчилик, автомобил ўриндиқларига қоплама тайёрлаш, сауна, массаж, сартарошхона, аёллар салони, ошхона каби бўлимларда ишлаётган ишчиларнинг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Улар аҳолига намунали хизмат кўрсатаётганликлари боис бу фирма қисқа муддат ичида ўзининг доимий мижозларига эга бўлди.

Куни кеча маҳаллада яна бир кўп тармоқли "Муҳаммад Нурсултон" фирмасининг ишга туширилганлиги хўжайлиликларнинг қувончига сабаб бўлди.

Асилбек ИСКАНДАРОВ, "Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Ҳомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.R » — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:
Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА 2006 йил УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2006 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ИНДОНЕЗИЯ: ҲАРБИЙЛАР АЧЕХНИ ТАРК ЭТАДИ

Индонезияда ҳарбийлар билан «Озод Ачех» жангари гуруҳи ўртасида анча йиллардан буён давом этиб келаётган можарога чек қўйиладиган бўлди. Ҳукумат билан мазкур гуруҳ етакчилари ўртасида Ачех вилоятидан қўшинни олиб чиқиб кетиш борасида ўтказилган музокара муваффақиятли якунланди.

Индонезия ғарбида жойлашган Ачех вилояти дунёнинг энг нотинч ҳудудларидан саналади. Тарихдан маълумки, 1873-1904 йиллар мобайнида Голландия ушбу ҳудудда узоқ йиллик мустамлакачилик уруши олиб борган. Ўша даврларда бу ерда йирик қўзғолонлар бўлиб ўтган.

Ташқи босқиндан озод бўлган Ачех аҳолиси кўп йиллар мустақил сиёсат юритиш учун курашиб келди. Ўтган асрнинг 70-йилларида Ачехга мустақиллик берилишини қатъий талаб қилиб чиққан бир гуруҳ айирмачилар ташаббуси билан бу кураш янада авж олди. Ҳукуматга қарши оммавий исён бошланди. Индонезия ҳукумати ҳаракатни бостириш учун куч ишлатишга мажбур бўлди. Шу тариқа «Озод Ачех» гуруҳи вакиллари билан ҳарбийлар ўртасида бошланган можаро ҳозирга қадар давом этиб келмоқда.

Икки ўртада бир неча марта ўт очишни тўхтатиш, тўқнашувларга барҳам бериш юзасидан музокара ўтказилди. Бироқ уларнинг қарийб барчаси бесамар якунланди. Ниҳоят, жорий йил августда Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида ҳукумат ва «Озод Ачех» гуруҳи етакчилари ўртасида ўзаро битим имзоланди. Битимга мувофиқ, Ачехдан Индонезия аскарларини олиб чиқиш босқичма-босқич амалга ошириладиган бўлди.

Шундан сўнг ўн мингга яқин аскар ва мингдан зиёдроқ полициячи мамлакатнинг энг нотинч ҳудуди — Суматра оролини тарк этди. Жавоб тариқасида «Озод Ачех» ҳам ўз мажбуриятларини бажаришга киришди. Жангарилар халқаро ташкилотлар ва Жануби-Шарқий Осиёнинг беш мамлакатидан иборат воситачи давлатлар вакиллари кузатувида Индонезия ҳукуматига қурол-яроғини топширди.

Аслида қарама-қаршиликлар анча кескинлашгандан сўнг, 2003 йил май ойида Ачехга 45 мингга яқин ҳарбий жойлаштирилган эди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, 25 октябрдан йил охиригача ҳарбийлар ушбу вилоятни босқичма-босқич тарк этиши керак. Лекин бу Ачехдан аскарларнинг барчаси чиқади, дегани эмас. Маълумотларга қараганда, ўн беш мингга яқин аскар ва тўққиз минг полициячи хавфсизликни таъминлаш мақсадида қолдирилади.

Осиёнинг йирик давлатларидан бири — Индонезиядаги неча йиллик уруш олови ўчирилиб, тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши бутун қитъамиздаги тараққиёт ва ҳамкорлик учун муҳим омил бўлади.

Жасур КЕНГБОЕВ
ЎзА.

Воқелик ва тафсилот

АМЕРИКА — ЕТАКЧИ МАМЛАКАТ

ЛЕКИН У ҚАЙ ТОМОНГА ЕТАКЛАЙДИ?

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

Ҳа, Америка журналистларининг иш услуби шундай. Афсуски, бу услуб баъзида панд беради, жамоатчиликни чалғитади ва унинг нафсониятига тегади. Яқинда Россиянинг "Вести" теледастурида хабар берилишича, АҚШнинг ўзида "Ассошиэйтед Пресс"нинг журналисти айнан шунинг учун, яъни маълумотни виждонан узатмагани учун калтакланган. Шундай бўлгач, шу йил май ойида юз берган Андижон воқеаларини ёритган "Ассошиэйтед Пресс" журналистидан қандай қилиб рост маълумотларни, ҳаққонийликни кутиш мумкин?

Умуман, кейинги пайтларда ғалати ҳолатлар кузатилмоқда. Ўзини демократиянинг таянчи деб ҳисоблаган нашрлар инсон ҳуқуқлари поймол қилинаётган вазиятларни ахтариб дунё бўйлаб елиб-югурадилару, шундоққина бурунлари остида юз бераётган худди шундай ҳолатларни сезмайдилар. Мисол қилиб, Абу-Грейбда ироқлик маҳбусларнинг хўрланишини олайлик. Кечирасизу, у ерда маҳбусларни ўз кийимига ҳожатни бажаришга мажбурлашади. Бу билан уларнинг намоз ўқишларига қарши турилади, чунки исломда бу фарз таҳорат олингач, яъни тозалик ҳолатида амалга оширилади. Ҳатто мусулмон бўлмаган одам учун ҳам ислом динига эътиқод қўйган маҳбусларни муқаддас китоб саҳифалари билан тозаланишга мажбурлаш гуноҳи азим — ноинсонийликку. Гуантанамо қамоқхонасида шундай ҳолатга йўл қўйилган экан, демак, бу ҳолатлар ислом оламида қандай қаҳр-ғазаб туйғусини уйғотиши мумкинлигини фақат АҚШдагина англаб етишмайди чоғи. Кейинги вақтда АҚШнинг ташқи сиёсат борасидаги ҳаракатларига қарши бўлганлар Американинг ўзида ва ундан ташқарида ҳам кўпайиб бормоқда. Ижтимоий сўровлар нафақат кичик Бушнинг, балки АҚШнинг мафтункорона қиёфасининг обрўси ҳам тушиб бораётганини кўрсатмоқда. Ироқда ҳарбий ҳаракатларни бошлаш учун сабаб қилиб кўрсатилган ва изланган оммавий қирғин қуролларининг у ерда мавжуд эмаслиги каби ҳолатлар дунёнинг мазкур етакчи мамлакати нуфузига путур етказди. Ваҳоланки, мустақил кузатувчилар деб аталувчилар бу босқинчилик арафасида оғизларини кўпиртириб, ироқлик олимларнинг оммавий қирғин қуролини яратиш устида фаол изланаётганликларини исботламоқчи бўлгандилар. Энди эса худди шундай айбловлар Эронга нисбатан ҳам айтилмоқда. Навбатдаги тажовуз учун замин яратилмоқда. Ва энг қизиғи, бу ҳақиқатми ёки йўқ — улар учун аҳамиятга эга эмас.

Ҳар қандай соғлом фикрловчи кишида шундай савол туғилади: фуқаролик урушини авж олдириш ва минглаб бегуноҳ тинч аҳолининг дайди ўқлар ва бомбардимонлар қурбони бўлишига айбдор ким? Ўша "демократия неъматлари" ҳимояси учун қалқон қилиб кўрсатилаётган инсон ҳуқуқлари ҳимояси қани бу ўринда?

Менга, яъни бир мустақил журналистга, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва халқаро ташкилотларнинг бу масалага ёндошуви мутлақо тушунарсиз. Аслида, бу ўринда хулоса учун кўп ўйлаб ўтириш шарт эмас. Ахир бекорга "Ким пулини тўласа, мусиқани ўша буюради" дейишмайди-ку. Бизнинг ҳудуддаги вазиятга оид мавзуга қайтиб шуни таъкидламоқчиманки, Ўзбекистондаги "Андижон воқеалари" атрофида авж олдирилган уйдирмабозлик маълум даражада менга Югославияга нисбатан қўлланган сценарийни эслатмоқда. Америка Қўшма Штатлари ҳамда Буюк Британия томонидан тегишли замин яратилгани оқибатида юзага келган фуқаролар урушида Адриатика қирғоқларидаги жаннатмонанд бу мамлакатнинг минглаб аҳолиси ҳалок бўлганди. Аммо ушбу ўринда Марказий Осиёда вазиятни издан чиқаришга интилаётган таҳлилчилар бу сафарги конфликт камида учта давлатни қамраб олишини ва бу янги Афғонистон воқеаларини, лекин энди анча ўзгача (ҳудуд аҳолисининг ғоявий ва интеллектуал қувватини ҳисобга олганда) ҳолатни юзага келтириши мумкинлигини эътиборга олиб қўйишлари лозим. Охир-оқибатда ана ўша қувват айнан ғарбга нисбатан йўналтирилиши ҳеч гапмас.

Кейинги йилларда Марказий Осиёда яратилган АҚШнинг мафтункорона қиёфаси Андижон воқеаларини бузиб талқин этишга қаратилган уринишлар оқибатида жиддий инқирозга учради. Айниқса, оддий фуқаролар орасида. Аксинча бу воқеалар таҳлилида Россиядек синашта ва ишончли мамлакатнинг обрўси бирдан ошиб кетди. АҚШнинг барчага яхши маълум бўлган "бир қамчию, бир ширин кулча" усулидаги беўхшов найранглари энди ўтмайди. Унинг Хонободдаги аэродромдан фойдаланганлик учун ижара ҳақини тўлашдан бош тортиши эса, шу даражада қудратли мамлакат учун (ҳатто унинг субутсизлиги маълум бўлса ҳам), юмшоқ айтганда, асло ярашмайди. Кейинги тўрт йил давомида Хонободга қуюқ ёғилиб турган ракета ёнилғисининг бурқсиган аччиқ тутуни тарқамаёқ АҚШ сиёсатдонларининг ўзларига зарурат сезиб турган пайтда берган олиймақом ҳамкорлик ваъдалари ҳақидаги биздаги хулосалар уларнинг кейинги сўзларида ростгўйлик мавжуд эмаслиги маълум бўлиши биланоқ тезгина тарқаб кетди.

Аҳмад РИЗАЕВ,
"Центр-Азия.Ру." 2005 йил 22 октябрь.

Тошкент вилояти

Бекобод шаҳридаги Собир Раҳимов номли маҳалла ҳудудида яшовчи аҳолининг 70 фоиздан кўпроқ қисмини металлурглар оилалари ташкил этади. Маҳалла фуқаролар йиғинига Бобожон Жўраев бош.

МЕТАЛЛУРГЛАР МАҲАЛЛАСИ

Ҳудудда Сиҳат-саломатлик йили муносабати билан кўпгина ибратли ишлар амалга оширилаяпти. Хусусан, оилада соғлом муҳитни шакллантириш, аёллар саломатлигини яхшилаш, фуқаролар орасида тиббий маданиятни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Маҳалла ҳудудида оилавий поликлиника, Бекобод шаҳар ташхисот ва репродуктив саломатлик маркази фаолият юритади. Маҳалланинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Саломат Тожибоева, фуқаролар йиғини котибаси Хурсаной Умарова ҳамда маҳалла хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Насибахон Юнусова бошчилигидаги бир гуруҳ фаол аёллар ана шу шифо масканлари ходимлари билан ҳамкорликда маҳаллада турли тадбирлар, тарғибот ишларини олиб боришмоқда. "Оила — муқаддас гўша", "Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари", "Аёл ва жамият", "Шарқона одоб-ахлоқни сақлайлик" мавзуларида уюштирилган давра суҳбатлари ана шулар жумласидан.

Шунингдек, маҳаллада оила мустаҳкамлигини таъминлаш, тўй ва бошқа маросимлардаги ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликларга чек қўйиш борасидаги ишлар ҳам эътирофга сазовор. Масалан, ҳудудда турмуш қуришга чоғланган бўлажак келин-куёвларга тўйдан аввал "Келиннинг вазифаси" ва "Қўша қаринглар" деб номланган қўлланма ва тавсияномалар тақдим этилади. Маҳалладаги кайвони онахонлар, ибратли оилалар бошлиқлари бўлажак оила вакилларига жўяли маслаҳатлар, панд-насиҳатлар берадилар. Бундай тадбирлар орқали жорий йил бошидан буён ҳудудда 10 дан ортиқ ёш оилалар ажримининг олди олинди.

СУРАТДА: *оқсоқол фаоллар билан*

Дарвоқе, маҳалла маслаҳатчиси Саломат Тожибоева ташкилотчи аёл. 9-умумтаълим мактабида ўқувчи ёшлар опанинг ташаббускорлиги туфайли спорт тўгаракларида қатнашиш имкониятига эга. Маҳаллада меҳр-мурувватга муҳтож инсонлар ҳам яшайди. Уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик кўмагини уюштиришга ҳам Саломат опа улгуради. Опанинг фаолияти вилоят миқёсида эътироф этилди. У "Маҳалла" жамғармаси республика бошқаруви томонидан ўтказилган "Намунали маслаҳатчи" кўрик-танловининг вилоят босқичида 2-ўринни эгаллади.

Ашурали БОЙМУРОДОВ

"Футболимиз келажаги" турнири мусобақаларида

(Давоми. Аввали 1-саҳифада)

КИЧИКЛАР КАТТА МАЙДОНДА

Улар келажакда катта ютуқларни орзу қилмоқда

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича биринчиликни қўлга киритган маҳаллаларнинг умидли спортчилари Республика ғолиблиги учун бир неча гуруҳларга бўлиниб, куч синашдилар, кейинги — зонал босқич баҳсларида майдонда учрашдилар. Дарвоқе, турнир мусобақалари учта ёш тоифасида —11-12, 13-14 ҳамда 15-16 ёшли болалар ва ўсмирлар ўртасида кечди.

Шу кунга қадар икки ёш тоифасида "Футболимиз келажаги" турнирининг республика босқичи мусобақалари якунланиб, ғолиб жамоалар номи аниқланди. Жумладан, 17-18 сентябрь кунлари Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳрида бўлиб ўтган 13-14 ёшлилар ўртасидаги якуний беллашувда Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Дўстлик маҳалласи ёш футболчилари республика ғолиби бўлган бўлса, Фарғона шаҳрининг "Нефтчи" ўйингоҳида 15-16 ёшли ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг "Ғиштмон" жамоаси шоҳсупанинг энг юқори поғонасини ишғол этди.

Куни кеча эса турнирнинг 11-12 ёшлилар ўртасидаги якуний баҳслари бошланди. Пойтахтимиздаги МҲСК ўйингоҳида Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги Бахрин, Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги Юқори боғ, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги Кунчиқар ҳамда Андижон шаҳридаги Ал-Бухорий номли маҳаллалар жамоалари ўзаро куч синашмоқдалар. Дастлабки ўйинлар Марғилон шаҳридаги Бахрин ва Урганч шаҳридаги Юқори боғ маҳаллаларининг ёш футболчилари ўртасида бўлиб ўтди. Унда хоразмликлар фойдасига техник ғалаба ёзилди (рақиб жамоа ўйинни охиригача давом эттирмаганлиги сабабли). Иккинчи ўйинда Қарши шаҳрининг Кунчиқар маҳалласи ёшлари ва Андижон шаҳрининг Ал-Бухорий номли маҳалласи жамоаси беллашдилар. Қизғин баҳс остида ўтган ушбу учрашув 3:0 ҳисобида андижонликлар фойдасига ҳал бўлди.

Бугун ҳар икки ғолиб жамоа иштирокида мусобақанинг сўнгги — финал учрашуви бўлиб ўтмоқда.

МУХБИРИМИЗ

Тошкент шаҳри

ҲАМ ИШБОШИ, ҲАМ КЎМАКДОШ

Одатда маҳаллаларда жамоатчилик асосида ишлашга ҳамма ҳам рози бўлавермайди, чунки ишдан ҳориб келиб яна кимларнингдир муаммосини ҳал қилиш айримларга малол келиши мумкин. Аммо шундай одамлар борки, қўлидан келганча ўзгаларга яхшилик қилади, жамоат ишларида фаол иштирок этади.

Абдувоҳид Саидов Ҳамза туманидаги Жўрабек номли маҳаллада яшайди. Маҳалладаги Заркент номи билан аталадиган кўчада кўчабоши сифатида кўплаб муаммоларни ҳал этиб келмоқда. Заркент кўчасида Баҳодир Жўраевлар оиласи бор. Эр-хотин туғма ногирон. А.Саидов кўчабоши сифатида уларни ўз паноҳига олган, яқин атрофдаги маиший ишлаб чиқариш корхоналари оталиғига бириктириб қўйган, кези келганда уларга моддий ёрдам бериб туради, саломатлиги ҳақида қайғуради.

Бир куни Абдувоҳид ака билан машинада бирга кетаётган эдик. У аллакимдан олган қарзини узишга бораётганлигини айтиб қолди. Йўл-йўлакай маҳалладаги қабристонга киришга тўғри келди. У ерда беш-олти киши дарвозахона ва қабристон хизматчилари учун уй қуриш ва тозалаш ишлари билан банд экан. Улар қурилиш савоб учун жамоатчилик асосида амалга оширилаётганлигини айтишди. Бу гаплардан Абдувоҳид ака қаттиқ таъсирланди, шекилли, қарзни узишга олиб кетаётган маблағни уларга ҳадя қилди, яна ҳар куни улардан хабар олиб туришини маълум қилиб қўйди. Бу ҳолдан ажабланганимни кўриб кейин изоҳ берди:

— Менга қарз берган биродар кутиши мумкин, у ўзига тўқ одам, очиғини айтганда, у бу пулга муҳтож ҳам эмас, қарзимни бугун узмасам эртага албатта, узаман. У мени тушунади. Бу билан ҳеч нарса ўзгармайди. Аммо қабристон ҳаммамизнинг борадиган жойимиз, бу ерда шу атрофда яшаётганларнинг авлод-аждодлари ётибди.

Шу учрашувдан кейин биз Абдувоҳид ака билан наҳор ошига борадиган бўлиб, эрта тонгда учрашдик. Куз тонги салқин бўлади. Ҳамма иссиқ кийимда, бироқ Абдувоҳид ака юпун кийинган. Ҳайрон бўлганимни кўриб деди:

— Биласизми, мен ҳар йили иссиқ кийим сотиб оламан. Усти юпунларни кўриб қолсам, дарҳол кийимимни ечиб бераман.

Бу ёзганларимиз қаҳрамонимизга хос хислатларининг айрим жиҳатлари, холос. Одамлар Абдувоҳид Саидовни нафақат саховатпеша, балки ташкилотчи инсон сифатида ҳам қадрлашади.

Содиқ МЎМИНОВ,
Ҳамза туманидаги Жўрабек номли маҳалла оқсоқоли.

Суддан сўнгги сўз...

ЖУВОНМАРГ БЎЛГАН ЖУВОНМАРА...

Тарки одат амри маҳол, деганларидек, уйига ҳамишагидек маст-аласт қайтган Бахриддин хоналардан хотини Гулбаҳорни топа олмади. Хаёл суриб ўтирса қўшниси Аъзам Аҳмедовникидан қандайдир чилдирма овози, хотинларнинг хиргойисими, ашуласими эшитилаётгандек. "Нима бало, тўйми дейман. Ундай бўлса нега мен бехабарман?" деган фикрга борди. "Ҳа, ҳозир кўрсатаман уларга, мендан яширинча тўй қилишни" деган ўйлар билан қўшнисиникига отланди. Қарасаки, аёллар қўшиқ айтиб, катта қозондаги сумалакни навбатма-навбат кавлашаяпти. "Оббо, келди-ку, касофат, ҳали нағма-усул кўрсатиб кайфиятимизни бузмаса эди" деб бир-бирига имо-ишора қилиб кўйишди, улар.

— Ҳорманглар, қўшнилар, ҳе артист, ўйинчи ҳам йўқку, сен бечораларга. Ҳе, сенларга айтсам мен бор эканман хор бўлмайсанлар. Ҳозирнинг ўзида "есть" қиламиз-да, — дедию орқасига бурилди. Бир пас ўтмасдан қўлида магнитафон, қандайдир кучлатгичлар кўтариб кириб келди.

— Ҳозир таралла бедодни ванг қиламиз.

У симларни тортиб, токни улаш учун кўчага чиқди. Эшиги олдидаги устахонада ўғиллари Сардор билан Санжар машиналарни тузатишаётганди.

— Йиғиштир, тақир-туқурингни, менга ток керак, магнитафон қўйиб, хотинлар билан кайфичоғлик қиламиз.

— Ҳозир, дада, ҳеч бўлмаса қўлимдаги ишни тугатай, 3-4 дақиқа кетади, холос.

— Нима? Ҳали сен менга сўз қайтарадиган бўлдингми? Мен ишингни тугашини кутишим керакми? Мен-а?! Мана сенга иш, мана сенга ток!

У жиннилардек ҳаракат билан асбоб-ускуналарни ҳар томонга ирғитди, ток симларини узиб ташлади.

— Дада, нима бўлаяпти сизга, ҳеч бўлмаганда мана бу одамлардан уялинг, мижозларни ҳурмат қилинг.

— Мижозларинг чепуха, бир пул менга, қани машиналарингни олиб, бу ердан дарҳол гумдон бўлинглар, иккинчи бор сенларнинг қораларингни кўрмай, — дея машинасини созлатишга келганларни ҳам ҳақоратлаб кетди.

Ака-уканинг ялиниб-ёлвориши, машина эгаларининг ҳай-ҳайи кор қилмади. Ота жазаваси тутиб, ўғилларини тўпланган одамлар олдида инсон зоти оғзига олмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, тўғри келган жойига мушт туширириб, дўппослай бошлади.

Ташқаридаги тўс-тўполондан хабар топган хотини Гулбаҳор "одатдагидек бир балони бошлади чоғи" дея югуриб келиб аҳволни кўрдию, эрини тинчитишга уринди. Инсоф, уят кўчасидан ўтмаган эр хотини устига итдек ташланди. Қўшниларнинг аралашуви, панд-насиҳатлари иш бермади. Ички ишлар бўлимига хабар қилингач, милиция вакиллари етиб келиб ота ҳамда жароҳат олган Санжарни олиб кетишди. Гулбаҳор ҳам укалари билан милиция идораси томон югуришди.

Қўшниникидаги хурсандчиликдан асар ҳам қолмади. Бўлиб ўтган ғалва, тўполон барчанинг дилини хуфтон қилди. Ҳаммадан хунук, дилларни ўртайдиган воқеа барча ўз иши билан банд бўлиб, ҳовли анча тинчигандан сўнг рўй берди. Гўдаклигиданоқ камситиб, ҳақоратланиб келинган иккинчи ўғил Сардор бугунги шармандаликдан сира ўзига кела олмасди. Отанинг тўпланган одамлар, айниқса доимий хизматида бўлиб юрадиган мижозлари, қўни-қўшнилар, тенгқур дўстлари олдида қайта-қайта "сен менинг ўғлим эмассан, ўйнашдан бўлган ҳаромисан" деган ҳақоратлари йигитнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Деярли ҳар куни бўлиб турган бундай шармандаликдан кўра ...Афсуски, шу тобда уни ўз-ўзига ясаган хулосасидан қайтариб қоладиган кимса топилмади. Унинг ҳолидан кечикиб хабар олгани кирган қўшнилар оғилхонада йигитнинг осилиб ётган жасадини кўришди. Ҳа, оила таянчи, спорт билан доимий шуғулланиб барваста бўлиб ўсаётган 20 ёшли жувонмард ўғил жувонмарг бўлган эди.

Баҳриддин Аҳмедов Гулбаҳор Исанова билан турмуш қурганига 22 йил бўлганига қарамай, оилада тотувлик, бир-бирига ишонч, меҳр-муҳаббатдан нишон ҳам бўлмади. Хотин барчасига бардош берди, оғир кунларда ҳам болаларни бағрига босди, уйдаги гап кўчага чиқмасин, маҳалладошлар олдида шарманда бўлмайлик, деб бор ҳаракатни қилди. Аммо 45 ёшдан ошиб болалари куёв, қизлари келин бўладиган бўлса ҳамки отага инсоф кирмади. "Нодонга улфат бўлган қон ютар" деганларидек, унинг ошна-оғайнилари, улфатлари доимо ароқхўрлар, қора дорига муккасидан кетган бетайинлар бўлди. Бир неча бор жабрини чекди, ҳатто 1995 йилда ароқхўрлиги, наша истеъмол қилганлиги, сотганлиги учун суд ҳукми билан жазоланди. Шунда ҳам инсофга келмади, танлаган эгри йўлидан қайтмади. Судда Баҳриддин кўплаб қилмишларини тан олмади, барчаси мастлик касофати, деб барчани ишонтирмоқчи бўлди. Анчадан буён "қора дорининг кўчасидан ўтмайман" деб қасам ичди. Булар бир баҳона эди, холос. Унинг уйи тинтув қилинганда у доимий истеъмол қиладиган нафақат марихуана гиёҳвандлик моддаси, балки бир неча дона наша ўсимлиги уруғлари ҳам топилди.

Судда на эркак, на аёллардан бирор киши Б.Аҳмедовни оқлайдиган биргина калима сўз ҳам айта олмади.

Маҳалладош ва қўшнилар Баҳриддиндан нафратланиб гувоҳлик бердилар.

Қашқадарё вилояти Чироқчи туманида содир этилган бу фожеадан барча-барча, айниқса нашавандлик касофатига дучор бўлиб, гулдай умрини хазон қилаётган йигит-қизлар ўзларига тегишли хулоса чиқариб олсалар фойдадан холи бўлмасди.

Б.Аҳмедов қилмиши учун туман судининг ҳукми билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди туман суди ҳукмини ўзгаришсиз қолдирди.

Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Сурхондарё вилояти

Термиз шаҳридаги Гарм маҳалласи ҳудудида жойлашган хусусий фирманинг фаолияти тўхтатилгач, унга қарашли бино ташландиқ ҳолда ётарди. Маҳалла оқсоқоли Абдуқаҳҳор Самадов ташаббуси, шаҳар ҳокимлиги розилиги билан бино маҳалла ҳисобига ўтказиб берилди. Оқсоқол бинони таъмирлашга ҳомийлар топди. Гарм маҳалласи 3 хоналик кўркам идорага эга бўлди. Бинода ҳали бўш турган хоналар бор эди. Уларни ҳам бошданоёқ таъмирлашга киришилган. Унда тикувчилик, зардўзлик корхоналари ташкил этилади. Ўттиз киши тикувчилик, зардўзлик ишига жалб этилади.

ТЕРМИЗНИНГ ҲАР ШАНБАСИ...

Маҳаллада Ҳайитали Алламуродов, Чори Сатторов сингари тадбиркорлар бор. Тижоратчи дўкондорлар ҳам савоб ишдан ўзларини четга олмайди. Маҳалладаги 26 та кам таъминланган оилалар улар мурувватидан баҳраманд бўлмоқда. Маҳаллада инфратузилма ҳам яхши йўлга қўйилган. Кўп қаватли биноларга коммунал хизмат кўрсатиш мақсадида иккита ширкат тузилди.

Соатов кўчасида жойлашган 4 қаватли бинода 600 киши истиқомат қилади. 56 хонадоннинг қарийб 40 фоизига ичимлик суви етиб бормас эди. Тармоқда таъмирлаш ишлари олиб борилди. Қувурлар алмаштирилди. Маҳаллада ички йўллар ўн саккизта. Уларни таъмирлаш ҳашар йўли билан бажарилаяпти. Фуқаро Николай Линчевский ўз ҳисобидан Беруний кўчасига асфальт ётқизди. Нозин Калимулин ҳам унинг ташаббусига қўшилиб иккинчи тор кўчани асфальтлатди.

Гармдаги намунали ишлар билан танишгач, шаҳардаги Байналмилал маҳалласига ўтдик. Бу ернинг аҳолиси икки минг беш юз кишига яқин. Улар беш юз олтмиш хўжаликни ташкил этади.

Эл эътиборини қозонган тадбиркор Жума Ризаев уларга йўлбошчи. Жума Ризаев маҳаллани оқар ариқ суви билан таъминлаш фикрини ўртага ташлади. Гарм, Ишчилар, Наврўз маҳалласи оқсоқоллари ҳам ибратли ташаббусга қўл беришди. Наврўз маҳалласи фуқароси Эргаш Йўлдошев ишга ташкилотчилик қилди. Тўртала маҳалла фуқаролари ҳашарга чиқди.

Аввало, ички ариқлар қазилди, тикланди. Сўнг Термиз туманининг "Намуна" ширкат хўжалиги ҳудудидан ўн олти километр узунликда ариқ олинди. Орадан кўп ўтмай, янги ариқ тўлиб сув оқди. Маҳалла ҳудудидаги йирик ичимлик суви иншооти ҳам ташландиқ ҳолда ётарди. Уни таъмирлашга фуқаро Омон Эшқобилов ҳомийлик қилди. Ускунага янги мотор ўрнатилиб, қувурлари алмаштирилгач, ер қаъридан зилол сув отилиб чиқди. Ундан 86 хонадон аҳли баҳраманд бўлмоқда.

Маҳалла марказида қишлоқ хўжалик бошқармасига қарашли иситиш буғхонаси хароб ҳолда турарди. Шаҳар ҳокимлиги уни Байналмилал маҳалласи ҳисобига ўтказди. Бино қишки спорт залига мослаб таъмирланяпти. Унинг ёнида ўн сотихга яқин майдон ҳам бор. Бу ерда маҳалланинг янги идора биноси барпо этиляпти.

— Қурилиш харажатларини маҳалламизнинг фаоллари кўтаришди, — дейди оқсоқол Жума Рўзиев, — хайрия маблағи ҳисобидан ғишт харид қилган бўлсак, уни ҳашар йўли билан тердик. Фуқаро Бўри Остонақулов бинонинг томини ёпишга кўмаклашди. Эшик ва дераза ромларини "Сурхон" меҳмонхонаси раҳбарлари тортиқ этишди. Тадбиркор Ўрол Холиқулов маблағдан қарашаётган бўлса, Рустам Абузаров эҳтиёжга яраша қурилиш ашёлари билан таъминлаяпти.

8-сонли мактаб маҳалла ҳудудида жойлашган. Унинг ўйингоҳини таъмирлашни оқсоқол Жума Рўзиев зиммасига олган. Ўйингоҳ ёқасида бир тасма ер бўш турибди. Раис тиканзорга айланган ана шу ер ўрнида кўркам маҳалла гузари барпо этиш ниятида. Бозорчаси бўлиши ҳам кўзда тутилган.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги маҳалласи ташкил этилганига эндигина 2 йил тўлди. Малика Умархонова йиғин раҳбари. Уни кўп қаватли 10-уй ҳовлисида учратдик.

— Бу ерда ўн хонадан иборат икки қаватли маҳалла гузари қураяпмиз, — дейди Малика опа. — Унда хизмат кўрсатиш корхоналари баробарида маҳалланинг тўрт хонадан иборат идораси ҳам ўрин олади. Бу — гузар қурилишини якка тартибдаги тадбиркор Азиза Мирзаева зиммасига олган.

Термиз шаҳрининг кенжа маҳалласида Шоира Саъдуллаева тикувчилик цехи очди. Ўтган Наврўз айёми арафасида "Энг пазанда оила бекаси" кўрик-танлови ўтказилди. Танлов иштирокчилари тайёрлаган таомлар барчага манзур бўлди.

Яна бир гап. Шанба кунида одатда шаҳарликлар дам олишади. Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги маҳалласи аҳли эса бу кун белкурак, супурги, замбил кўтариб белгиланган манзил томон ошиқишади. Негаки, ҳафтанинг шанба куни маҳаллада тозалик ва ободончилик куни, деб белгиланган. Улар ер чопади, дарахт таналарини оқлайди, чиқиндиларни кўтаришади. Ўтган баҳорда ўтказилган икки минг туп кўчатга ишлов беради, суғоради. Маҳаллада қишки мавсумга ҳам пухта ҳозирлик кўрилган. "Семург" ҳамда "Тожимаҳал — Оққуш" ширкат хўжаликлари 15 та кўп қаватли уйдан ўнтасини таъмирлаб қўйишди.

Ана шундай ибратли ишларга Нуриддин Зоиров раислик қилаётган Ишчилар маҳалласида ҳам гувоҳ бўлдик. Ҳа, шаҳар маҳаллаларида ҳаёт жўш уради, меҳнат кўтаринкилиги ўзгача. Бу ишларга эса кўпни кўрган оқсоқоллар, маҳалла фидойилари ва саховатпеша инсонлар бош...

Омон ШУКУРОВ,
"Mahalla" мухбири.

Тизимда тажриба

Фарғона вилояти

Бугунги кунда мамлакатимизда давлат идораларининг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий муносабатларини тартибга солиш ва назорат қилиш борасидаги ваколатлари қонунлар билан чекланиб, бирин-кетин ўзини ўзи бошқариш идоралари, нодавлат ва жамоат ташкилотлари ихтиёрига берилмоқда. "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими, касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари вилоят прокуратураси билан ҳамкорликда бу жараёнга республикада биринчилардан бўлиб киришди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан 2002 йил феврал ойида қабул қилинган қарорга мувофиқ жамоатчилик назоратини шакллантириш гуруҳи ташкил этилди ва унинг атрофига тажрибали ҳуқуқшунослар жалб қилинди. Долзарб муаммолар бўйича 28 та йўналишда жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилди. Айни пайтда уларнинг самарали фаолияти туфайли вилоятда турли муаммолар ҳал этиляпти. Мухбиримиз Оқсоқоллар кенгаши "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Толибжон Ҳафизов билан шу хусусда суҳбатлашди.

ЙИҒИНДА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ:

У қандай амалга ошириляпти?

— Вилоятда бугунги кунда "Маҳалла" жамғармасининг 4 та шаҳар, 15 та туман бўлинмалари, 9 та шаҳарча, 165 та қишлоқ ва 806 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳаммасида жамоатчилик назорати гуруҳлари тузилган, — деб сўз бошлади Т.Ҳафизов. —Жамоатчилик назорати гуруҳларини жамғарма бўлинмалари ва йиғинлар раислари бошқаради. Аъзолар таркибининг кўпчилигини асосан ҳуқуқ-тартибот органларида ишлаган фахрийлар ва катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган фидойи пенсионерлар ташкил қилади.

Жойларда ташкил этилган жамоатчилик назорати гуруҳлари вилоят ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилаётган ходимларга хавфсиз меҳнат шароитларини яратиб бериш, ишлаб чиқаришдаги жароҳатланиш, касб касалликларига чалиниш каби ҳолатларнинг олдини олиш, ускуна-жиҳозлар ҳамда технологик жараёнларнинг хавфсизлигини таъминлаш, иш ҳақидан қарздорликларни камайтириш, коммунал хизмат тўловларини аҳолидан ундириш, нафақаларни ўз вақтида тўлашни ташкил этиш, маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан қабул қилинган қарорлар бажарилишини таъминлаш каби юзлаб масалаларни ечишда иштирок этдилар.

Вилоятда иш ҳақидан қарздорликни камайтириш масалаларига оид касаба уюшмаси мажлислари, раёсат йиғилишлари, меҳнат жамоаларининг умумий мажлислари 721 жойда ўтказилди. Муддати ўтган иш ҳақи ва бошқа тўловларга доир қарздорликни бартараф этиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича шаҳар ва туман судларига 17 та даъво аризалари киритилди. Шундан 5 та корхонада судда даъво аризалари кўрилмай туриб, 91 миллион 604 минг сўм иш ҳақлари тўланди. Суд қарори билан 12 миллион 145 минг сўм иш ҳақлари ҳамда уларга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди. Муддати ўтган иш ҳақи тўловлари бўйича қарздорликни бартараф этиш борасида кўрилган чора-тадбирлар асосида 2002 йилда 3 миллион 383 минг 419 сўм, 2003 йилда эса 9 миллион 68 минг 765 сўм миқдоридаги иш ҳақи ундириб берилди.

Назоратчиларнинг дон экинлари парвариши ва ҳосил ўрим-йиғими давридаги фаолиятлари ҳам самарали бўляпти. Экинларни суғориш, ўғитлаш ва бегона ўтлардан тозалаш доимий назоратда бўлаётгани туфайли вилоятда ҳар йили мўл ҳосил етиштирилиб, белгиланган шартномавий режалар ошириб бажариляпти. Режадан ортиқча тайёрланган дон ижарачиларнинг ўзларида қолдириляпти. Бундан маҳалладаги жамоатчилик назорати аъзолари ҳам манфаатдор бўлмоқдалар.

Қувасой шаҳридаги ширкат хўжаликларида Ўзбекистон Республикасининг "Ветеринария тўғрисида"ги Қонуни ҳамда чорва бош сонлари камайиши юзасидан текшириш ўтказилди. Текшириш жараёнида Акмал Икромов, Ҳамид Олимжон номли, "Арсиф" ва "Беҳизор" ширкат хўжаликларида юқоридаги қонун талаблари қўпол равишда бузилаётганлиги аниқланди. Масалан, Чек қишлоқ фуқаролар йиғини ҳузуридаги жамоатчилик назорати гуруҳи аъзолари Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги ферма мудири У.Юнусов 16 бош сигирни 16 бош бузоққа алмаштириб қўйганини фош қилдилар. Шу йўл билан хўжаликка салкам икки миллион сўм миқдорида моддий зарар етказилган. У.Юнусовга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, чора кўрилди.

Жойлардаги жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан шаҳарда коммунал хизмат тўловлари, архитектура ва шаҳарсозлик, уй-жой ширкатлари тўғрисидаги қонунларнинг ижроси юзасидан ҳам текширишлар ўтказилганда бир қатор камчиликлар аниқланди. Жумладан, шаҳардаги айрим аҳоли пунктларида фуқаролар томонидан ўзбошимчалик билан иморатлар, гараж ва бошқа хизмат бинолари қуриб олинган. Бу — шаҳар ва уй-жойлар ҳуснини бузган. Коммунал уй-жой фондига тегишли бўлган 95 та хонадонда ижара шартларига асосан рўйхатда турувчи фуқаролар бир йил ва ундан ортиқ муддат давомида яшамаганликлари сабабли ушбу хонадонлар қаровсиз ва ташландиқ ҳолга келиб қолган. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари раҳбарлари бундан хабардор бўлишса-да, бепарво қараб келишган. Оқибатда катта миқдордаги коммунал хизмат тўловлари ундирилмаган. Бу соҳадаги камчиликларнинг тезда олди олинди.

Сўх туманидаги Пидиргон ва Демурсад маҳаллалари фуқаролар йиғинларида жамоатчилик назорати тартибида ўтказилган текширишларда туман газлаштириш идорасининг назоратчиси М.Ёнбеков томонидан аҳолидан газ тўлови бўйича йиғилган 183 минг сўм пул унинг ҳамёнига ноқонуний равишда ўзлаштирилгани аниқланди ва ундирилди.

Ўзбекистон туманидаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари қошидаги жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан ўтказилган текширишларда тумандаги алоқа бўлимлари ходимлари томонидан пенсионерларга берилиши лозим бўлган шахсий пенсия дафтарчаларининг ҳар бири 50 сўмдан сотилаётгани аниқланди. Шу йўл билан 20 минг 80 нафар пенсионерлардан 1 миллион 400 минг сўм пул тўпланган. Бу ғайриқонуний даромад пенсионерларга қайтарилди.

"Қўқонэнергомарказ" ҳиссадорлик жамияти ишчиси П.Гиколо 236 минг 535 сўм, А.М.Чернишев 281 минг 502 сўм иш ҳақини кўпдан буён ололмай келарди. Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан жамоатчилик назорати асосида фуқаролик судига даъво аризаси киритилиб, уларнинг иш ҳақлари олиб берилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Умуман, 2002-2005 йиллар мобайнида ўзини ўзи бошқариш органлари қошида ташкил қилинган жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан 13 минг 150 марта текшириш ўтказилган. Текширишлар якуни бўйича далолатномалар тузилиб, жойларга 1103 та тақдимнома ва 1800 тадан ортиқ талабнома юборилган. Суд инстанцияларига етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш бўйича кўплаб даъво аризалари киритилган ва ижобий ҳал қилинган. 500 дан ортиқ фуқаронинг ҳақ-ҳуқуқлари низосиз тикланган.

Вилоятда жамоатчилик назорати бўйича самарали ишлар қилинаётганлиги сабабли кейинги йилларда фуқароларда ўз ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан даъвогарлик ҳисси ўсиб бормоқда. Энг муҳими, одамларнинг ўзларига, давлатга ишончлари мустаҳкамланяпти. Шунингдек, улар жамоатчилиқ назорати давлат назоратига нисбатан кучлироқ ва самаралироқ эканлигини тушуниб етмоқдалар.

Қодир ШОДМОНОВ суҳбатлашди.

Олам турфа

... ЕЛИМ

Миннесота штатидаги компаниялардан биринг пардозлаш цехида ишловчи Ричард Г.Дрюни "Елим(Клей) одам" деб аташади. Негаки, у клей яратган одам. Аслида цех клей яратишга ихтисослашмаган. Дрюда ҳам бу ғоя умуман йўқ эди.

Кунлардан бир кун Дрю устахонадаги янги бўялган станоклардан бирига оқ қоғоз сувлаб ёпиштириб қўйилганини кўради. Қоғоз атайлаб ускунанинг ўша қисмини бўёқдан асраш учун қўйилган эди. Бўёқ қуригач, ишчи қоғозни ҳўллаб, осонгина олади. Бироқ бўёқ тегиб кетган қисми мустаҳкам ёпишиб қолади ва қоғозни олишнинг иложи бўлмайди. Шунда Г.Дрюнинг калласида қуримайдиган ёпишқоқ лента яратиш фикри туғилади ва тез орада бу ғоя амалга ошади.

ҮЙ ТОВҰҒИ НЕЧА ЁШДА?

Бугунги кунгача товуқ тахминан тўрт минг йил муқаддам Инд дарёси атрофидаги Водийдан Яқин Шарқ орқали Европага келтирилиб, уйда боқишга ўргатилган, деб ҳисобланарди.

Бироқ икки қадимшунос — лондонлик Брайан Уайт ва Пекин фуқароси Пен Синжоу радиоактив изотоплар ёрдамида Шимоли-Шарқий Хитойда топилган товуқ скелетининг 8 минг ёшда эканлигини аниқлашди. Олимларнинг фикрича, бу суяк уй товуғиникидир. Чунки ёввойи товуқ суяги 69 миллиметрдан ошмагани ҳолда уйда боқилганиники 115 миллиметрга ҳам етиши мумкин экан.

Ёшлар ҳаёти

Хоразм вилояти

"КАМОЛОТ" МАҲАЛЛАЛАРДА

Ёшларимизнинг қизиқиш ва интилишларидан келиб чиққан ҳолда уларни касб-ҳунар ва илм олишга йўналтириш, уйда ҳамда маҳалла-қўйдаги жамоат ишларида фаол иштирок этишларини таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтишида яқиндан кўмаклашиш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан биридир.

Шу боис "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимлари ҳамкорликда "Камолот" маҳаллада" деб номланган тадбирларни ўтказишни йўлга қўйди.

Тадбирларда маҳалла ёшлари ўз иқтидорлари ва қобилиятларини намойиш этиб, тенгдошларига намуна бўлмоқдалар.

Боғот туманидаги Хўжалик, Ҳазорасп туманидаги Мухомон, Қўшкўпир туманидаги Оқдарбанд, Хива туманидаги Дошёқ, Гурлан туманидаги Обод, Янгиариқ туманидаги Чиқирчи маҳаллаларида бўлиб ўтган бундай тадбирлар маҳалла ёшларида катта таассурот қолдирди.

Боғот туманидаги Хўжалик маҳалласида "Маҳалла кўрки — осойишталиқда, аҳиллиқда, орасталиқда" мавзусида ўтказилган ёшлар ўртасидаги расм чизиш баҳсида шу қишлоқлик 8-синф ўқувчиси Ҳаввожон Эшмуродова ғолиб деб топилди. Қўшкўпир туманида ўтказилган ёшлар ўртасидаги расм чизиш мусобақасида эса Фотимажон Давлатова биринчи ўринга сазовор бўлди.

Бундан ташқари ҳар бир маҳаллада ҳунарманд ёшлар кўргазмалари ҳам намойиш этилмоқда.

"Камолот" маҳаллада" тадбири ҳамда "Фарзандлари соғлом юрт баркамол бўлур" мавзусида ўтказилаётган футбол, волейбол, миллий кураш, шахмат-шашка, теннис каби спорт мусобақалари ёшларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан баркамол бўлиб улғайишларида муҳим аҳамият касб этяпти.

Абдулла САФОЕВ,
"Mahalla" мухбири.



СУРАТДА: "Камолот" маҳаллада" тадбиридан лавҳа.

ЭЪЛОН, ЭЪЛОН, ЭЪЛОНЛАР...

Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 2005 йил 13 октябрдаги ажримига асосан банкрот деб эътироф этишга оид иш юритилиб, уларга нисбатан кузатув жараёни бошланаги корхоналар РЎЙХАТИ

Корхона номи	Ажрим рақами	Муваққат бошқарувчи	Банкротлик иши 2005 йил 28 октябрда қуйидаги соатда кўрилади
ХФ "Sarko"	10-0517/10588	Саидов Бахром Рустамович	16-20
ХФ "Maxamad servis"	10-0517/10586	Эргашев Дилшод Зафарович	16-00
ЧФ "Melissa farm"	10-0517/10584	Зукруллаева Сохиба Абдуллаевна	15-40
Фонд "Олтин мерос"	10-0517/10587	Эргашев Дилшод Зафарович	16-10
ЧФ "Gugush fayz"	10-0517/10585	Умархонов Жаҳонгир Шавкатович	15-50

Кредиторларнинг 1 йиғилиши 2005 йил 26 октябрда соат 10-00 да ўтказилади.
Кузатувга оид ишлар Тошкент шаҳар Учтепа тумани М.Шайхзода кўчаси, 1-А уй, 409-хонада давом этмоқда. Банкротлик иши 2005 йил 28 октябрь куни Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2-залида кўрилади.

Совместное Узбекско-Американское предприятие "SURHAN-BENIF" в форме ООО, расположенное по адресу Республика Узбекистан г.Термез ул. Ат-Термизий 9А, имеет намерение подарить Компании "Overseas Maritime Services LLC" (США), находящейся по адресу 101 South Spring Street, Little Rock Arkansas 72201 USA, акции простые именные безналичные и наличные ГАК "UZVNESHTRANS", расположенного по адресу г. Ташкент, ул. Буюк Ипак Йўли 75, в количестве 14004 штук, что составляет 27,89% от общего Уставного фонда. Телефон:133-53-73

Кузатув Кенгашининг протоколига кўра Учтепа туманидаги ОАО "OSIYO FOOD"нинг мухри бекор деб ҳисобланади.
ОАО "OSIYO FOOD"нинг йирик ҳиссадорлари З.Я.АН, В.Б.Югай.
Кузатув Кенгаши раиси М.М.Розметов.

КП "Боходир" номига 1996 йилда берилган 2018279867 рақамли кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**
Манзил: С.Раҳимов тумани, Қорасарой кўчаси 314 "а"-уй.

Тошкент шаҳар С.Раҳимов туманидаги 10-касб-ҳунар мактаби томонидан 1996 йилда Алимова Зухра Каримовна номига берилган 048274 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Тошкент шаҳар Чилонзор туманида рўйхатдан ўтган "NABIJON-SAVDO" хусусий корхонаси ўз Устав фондини 2430000 сўмдан 1330000 сўмга камайтириши ҳақида **маълум қилади.** Телефон: 53-19-30.

Наимова Элла Рафаэльевна номига 2002 йил 28 июнда берилган 04-02/20065 рақамли квартирага эгалик ҳуқуқини берувчи давлат ордери йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Бектемир тумани "Гулноза — Дилноза" ЧП-КФга 2002 йилда 236/2001 рақами билан берилган бино учун кадастр ҳужжати йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Сергели туманидаги 305-ЭКО лицейи томонидан 1995-1996 ўқув йилида берилган UZ 7 306942 рақамли 9-синфни тугатганлик тўғрисидаги аттестат йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Юқори Чирчиқ тумани 7-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Байжуманова Феруза Туймекуловна номига берилган 150201 рақамли 9-синфни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли **бекор ҳисобланади.**

Ҳурматли обуначилар!

Абонементда касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт.

Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштирганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календари штампели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганлиги, пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгаришини расмийлаштирганингизда карточкаларни сиёҳ билан аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдиринг.

Бугун бўлмаса ҚАЧОН?!

Азиз муштарий!
Сиз ушбу варақани қирқиб олиб, тўлдириб обуна уюштирувчи бўлимларга борсангиз, обунани ҳеч қийинчиликсиз амалга оширасиз.

Сурхондарё вилояти

Каштачилик — амалий санъатнинг бир тури, миллий анъаналаримиз тармоғидир.

Тарихи қадим ўтмишга бориб тақаладиган каштачиликни санъат асари десак, муболаға бўлмайди. Зеро, ана шу нафис санъат намуналари — сўзана, зардеворлар хонадонимизга сайқал, чирой берувчи буюмларгина бўлиб қолмай, уларда инсоний ҳис-туйғулар, орзу-умидлар, армонлар нозик дид билан мужассам этгирилади. Фақат, афсуски, кейинги йилларда бу соҳага эътибор камайди.

ЧЕВАРЛАР КЎПУ...

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий қадриятларимиз тикланаётгани, маданиятимиз, қадимий анъана ва урф-одатларимизга эътибор кучайгани боис каштачиликни ривожлантириш борасида кенг имкониятлар яратилди. Лекин негадир бизнинг Сариосиё туманимизда бу ишга жиддий кўз билан қаралмаяпти. Мактабларда каштачилик тўгараклари ташкил этишга, тадбиркорлар махсус цехлар, корхоналар очишга ва сотув дўконларини ишга туширишга лоқайдлик билан қарамоқдалар.

Ишончим комилки, туманимизда каштачиликнинг моҳир усталари, фидойилари кўп. Фақат уларни ишга жалб қилиш лозим. Жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари ўз ҳудудларидаги ҳунармандларни ишга жалб қилишга бош-қош бўлсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу билан қишлоқ хотин-қизларини қисман иш билан таъминлашга эришиларди. Қолаверса, миллий ҳунармандчиликнинг нозик соҳаси бўлган каштачиликни ривожлантиришга ҳам ҳисса қўшган бўлардилар.

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Юртимиз тарихидан

САЙЁҲЛАРНИ ЛОЛ ҚОЛДИРГАН ЎЛКА

Хива қадимдан бери Марказий Осиёнинг йирик ва ривожланган шаҳарларидан бири бўлиб келган. У Турон заминидаги, Мовароуннаҳрдаги барча сиёсий, маданий ва маънавий жараёнлар марказида бўлиб, давлатчилик, дин, илму фан ва маърифатни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшган. Хиванинг жаҳон цивилизацияси, айниқса, Шарқ илми ва маданиятини ривожлантиришдаги ўрни ва тарихий хизматлари каттадир.

Хива дунёга ал-Хоразмий, ал-Беруний, Нажмиддин Кубро, Аз-Замахшарий сингари буюк олимларни етиштириб берган. Хоразм заминида бундан ўн аср муқаддам ўз бағрида Шарқнинг буюк олимларини бирлаштирган инсоният тарихидаги илк академиялардан бири — Маъмун академияси фаолият кўрсатган.

Кўп асрлик тарихга ва бебаҳо маданиятга эга, қанчадан-қанча буюк зотларга таълим-тарбия берган Хива шаҳри бутун дунёга маълум ва машҳур табаррук маскандир.

Қадим замонлардан кўплаб сайёҳлар ва олимлар гўзал Хоразмнинг ўтмиши, маданияти, моддий ва маънавий ҳаёти, аҳолисининг турмуш тарзини ҳамда тирикчилигини таърифу тавсиф этиб келадилар. Ўрта аср географ олимлари ва сайёҳлари Хоразм ва унинг йирик шаҳарлари Гурганч (Урганч) ва Хивада бўлиб, бу шаҳарлар ҳақида қизиқарли йўл хотиралари, асарлар ёзиб, қимматли материаллар қолдирганлар. Араб жўғрофия олимларидан ал-Истахрий (тахминан 1029-1087), Ибн Ҳавқол (X аср), ал-Муқаддасий (947-1000) Хива шаҳрининг энг ривожланган даври X аср хусусида қимматли маълумотлар берадилар. Масалан, ал-Муқаддасий "Иқлимнинг маърифатини ўрганишда энг яхши қўлланма" асарида Хоразм мамлакатига қарашли қирққа яқин шаҳар ҳақида маълумот келтиради. У Хива ҳақида бундай ёзади: "Хива чўл чеккасида жойлашган азим бир шаҳардир ва дарёдан (Амударёдан) чиқарилган наҳр бўйидадир. Унинг катта жомеъ масжиди бор... У ерда узум, жуда кўп майиз, қандолат, кунжут, йўл-йўл матодан тикилган кийимлар, гиламлар, нафис парча матолар, рангбаранг кийим-кечак, фақат куч-қудратга тўлган кишилар тортиши мумкин бўлган камонлар, махсус пишлоқ, сузма ва балиқ етиштирилади". Ал-Муқаддасий Хоразмни "Жайҳун дарёсининг икки соҳилини эгаллаган ерлар" деб таърифлайди. Ўнинчи аср олими Ибн-ал-Фақиҳ ўзининг "Китоб-ал-Булдон" ("Мамлакатлар ҳақида китоб") асарида хоразмликлар ҳақида ёзар экан, "булар ҳеч қачон бош эгмайдиган, ҳаммадан кўра кўпроқ фидойиликка мойил кишилардир..." дейди.

Ёқут ал-Ҳамавий (XII-XIII асрлар) "Мўъжам ал-Булдон" ("Мамлакатлар луғати") асарида шундай дейди:"Ўйлашимча, ер юзида Хоразмдан кенг ва аҳолиси кўп жой бўлмаса керак. Одамлари соҳиби ҳунар, заковатли, олим, оққўнгил, хушмуомала, зийрак ва бадавлат кишилардир, тирикчилик шароитлари яхши. Шу билан бирга у ерда тўлиқ тинчлик-хотиржамлик ва тўқчиликни кўрдим!"

XIV асрда яшаган араб сайёҳи Ибн Баттута бундай ёзади: "Бу туркларнинг энг улуғ, энг гўзал, энг йирик шаҳри бўлиб, ажойиб бозорлари, кенг кўчалари, жуда кўп иншоотлари(бинолари, масжид, мадрасалар) ва бошқа хушманзара жойлари бор. Шаҳарда аҳоли кўплигидан ҳаёт қайнайди, у мавжланиб турган денгизга ўхшайди". Сайёҳ Урганч бозорларида кўрган нарсаларини бирма-бир санаб ўтмай, у ёзда Жайҳунда жуда кўп кемалар қатнашини, улар Термиздан арпа, буғдой олиб келишини айтиб, сўнг ўзи жуда яхши кўрган Хоразм қовунларини ҳайрат билан тасвирлайди:

"Хоразмдан қовун қоқилар Ҳиндистон ва Хитойнинг олис шаҳарларига олиб борилади. Бутун дунё бўйлаб қилган сайёҳатимизда мен хоразмликлардан кўра хушхулқ, олийжаноб, ажнабийларга нисбатан меҳмондўст одамларни учратмаган эдим".

Хулоса қилиб айтганда, ўрта аср географ олим ва сайёҳлари Хоразм обод ва гўзал ўлка эканлиги, унинг шаҳар ва қишлоқлари, айниқса, Урганч, Хива ва бошқа шаҳарларининг ободончилиги, бой ўтмиш тарихи, маданияти, ҳунармандчилик ва савдо-сотиғи, аҳолисининг турмуш тарзи, қишлоқларида боғу роғлар, дарахтзору экинзорлар, меванинг мўл-кўллиги, хоразмликларнинг зукко-зийрак, билимдон, истеъдодли, маърифатпарвар ва олийҳимматлилиги, шу билан бирга ботир ва жасурлиги, ҳеч қачон бош эгмайдиган, ҳаммадан кўра кўпроқ фидойиликка мойил кишилар эканликлари ҳақида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Таниқли шарқшунос олим, академик Неъматулло Иброҳимов ўзининг бир нечта асарларида Ўрта Осиё, жумладан, Хоразмга ташриф буюрган сайёҳлар ва уларнинг ёзиб қолдирган йўл хотиралари тўғрисида қизиқарли ва қимматли маълумотлар келтиради.

Мана, орадан асрлар ўтган бўлсада, Хоразм воҳаси ва Хива шаҳридаги тарихий обидалар, баланд миноралар уларнинг бетакрор нақшлари гўзаллиги хорижий сайёҳлар, узоқ-яқиндан келган меҳмонлар диққатини ҳамон ўзига тортиб келмоқда.

"Биз Берлиндан келдик. Кўп жойларда саёҳатда бўлганмиз. Аммо Хивадек салобатли, муҳташам, кўркам шаҳарни учратмаганмиз. Бу ерда гўё ўзимизни худди афсоналарда тасвирланган сеҳрли шаҳарда юргандай сездик", дейди германиялик сайёҳ Уильям Маркс.

"Хиванинг ўзгача, бетакрор обидалари ҳақида кўплаб эшитганман. Ўқиш, эшитиш бошқа экан. Кўҳна Хивага келиб кўрдимки, бу обидалар нақадар ноёб, инсон ақл заковати билан вужудга келганига иймон келтирдим," деб тан беради африкалик олим Ҳусайн Умар Утман.

Бу каби дил сўзларини қадимий ва навқирон Хивага ташриф буюрган ҳар бир киши айтади.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАВСИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Айни кунларда молиявий масалалар муҳокамаси билан банд бўласиз. Дам олиш кунлари ишдан йироқлашган ҳолда ором олинг.

СИГИР(22.04-20.05)

Режа ва ниятларингиз айни кунларда амалга ошиши мумкин. Натижаси сиз ўйлагандан кўра самаралироқ бўлиши кутилмоқда.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Кутилмаган ҳолда бошлиғингиз эътиборига тушиб, маошингиз кўтарилиши мумкин.Бу эътиборни оқлашни унутманг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Сиз ҳақингизда "у ўз ишининг устаси" деган таърифларни эшитишни истасангиз, фаолиятда зийрак ва ҳушёр бўлинг

АРСЛОН (23.07-22.08)

Айни кунларда кредит, мерос билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Айнан шанба куни ушбу муаммоларни ҳал қилманг.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Ушбу кунларда эътиборга молик воқеа-ходисалар содир бўлмагани ҳолда кунларингиз бир маромда тинч ва осуда кечиши кутилмоқда.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Ижодий изланиш ва муваффақиятлар ортда қолди. Айни кунларда эса оила даврасида бўлиш улар учун фойдалироқдир.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Сўнгги кунларда майда келишмовчиликлар, ғийбатлар кўнглингизни хира қилиши мумкин. Турмуш ўртоғингиз кўмагига суянинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Рўзғор юмушлари, турли харидлар туфайли айни кунларни самарали ва кўнгилли ўтказишингиз эҳтимолдан йироқ эмас.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Шу кунларда ҳаётингизда кутилмаган учрашув ва танишувлар, узилган муносабатларнинг тикланиши каби воқеалар кузатилиши мумкин.

КОВҒА (20.01-18.02)

Сизга кўчмас мулк борасида таклифлар тушиши мумкин. Бирор қарорга келиш олдидан жиддий ўйлаб кўриш керак-лигини унутманг.

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Айни кунлардаги муаммолар ечими эски танишларингизга боғлиқ бўлиши мумкин. Аммо кўнгилсиз хотираларни эсламанг.



БОЛАЛИКНИНГ ЗАВҚЛИ ОНЛАРИ...

Р.ГАЛИЕВ олган сурат.

Сиз ўқийдиган янги китоб

ИСМОИЛ ҲУСАЙН ҲАҚИДА ДОСТОН



...Очкўз ғаним бошни излаб келарди,
Аллоҳнинг ҳукми-ла бир-бир ўларди.
Мансаб талашганлар хордир дунёда,
Эгулик улашган қолмас пиёда.
Имомлик унвони ғанимга керак,
Маҳзун халқ кўринар, ғанимдир кесак.
Пайғамбар наслини йўқ қилмоқ бўлди,
Шаҳидлар қонига дарёлар тўлди.
Ҳазрати Султонда бош тонди маскан,
Уни силаб майин шамоллар эсган.
Турки Тўғон борар Ғилонга ўрлаб,
Ғанимлар қувлашар итдай ириллаб.
Бошни Кўл қишлоғи томон юборди,
Ўзи жанг қилмоқ-чун Ғилонда қолди.
Ғаним лашкарлари Ғилонда эди,
Қўлида дубулға, урушга кирди.
Душман мурдаси-ла жанггоҳ тўлди,
Ботир Турки Тўғон ҳам шаҳид бўлди.
Жовуз томон кетган номдор улуғлар,
Мусобозорда кўп синашди тиғлар.
Душманлар орқадан қувиб келарди,
Жангда ўлишини ким ҳам биларди.
Хўжа Рушноий ҳам шаҳид бўлдилар,
Лек Имом Ҳусайнга содиқ қолдилар.
Шуд қишлоғи томон илдам юришди,
Аллоҳнинг қудратин шунда кўришди.
Аллоҳ тош ёғдирди ғаним устига,
Мурдалар қолишди тошлар остида.
Икки тоғ ораси, Оқдарё оқар,
Улкан чўққиларда қор совуқ боқар.
Абадий музликдан оқар Оқдарё,
Ажибдир Аллоҳим яратган дунё.
Узоқ-узоқларга боқинг чўққидан,
Кўзу қалб қутулар ғафлат-уйқудан,
Гўзаллик, жаннатий сурури сизга,
Булутлар сингади юрагингизга.
Кўҳи Тоява сари илдамлар елар,
Садоқатли дўстлар дўст қадрин билар.
Ғанимлар кўришди Аллоҳнинг кучин,
Осмондан тош ёғди эзгулик учун.

Фазилатли қадамжоларни зиёрат этиш, ўтганларнинг савобли ишларини ёд олиб, руҳларини шод қилиш халқимизга хос хусусиятлардан биридир. Китоб тумани ҳудудида жойлашган Ҳазрати Султон зиёратгоҳи ҳам ўз тарихига эга.

Муҳаммад пайғамбаримизнинг суюкли набиралари Имом Ҳусайн билан боғлиқ ривоятларнинг бир учи ушбу табаррук қадамжога бориб тақалади. Шу боис шоир Ёрмуҳаммад (Нормуҳаммад Туропов) ҳазрати Султон зиёратгоҳи тарихини турли манбалардан ўрганиб, баҳолиқудрат бир достон ёзди. Муаллиф мавзуни ёритишда халқимиз орасида машҳур бўлган ривоятлардан кенг фойдаланган.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Қашқадарё вилоятидаги бош вакили, вилоят бош имом-хатиби Исмоил ҳожи Райҳонов достон сўз бошисида шундай ёзган: "... Ҳалигача Имом Ҳусайн билан боғлиқ манбалар ҳеч бир ижодкор ёки олим томонидан жиддий ўрганилмаган эди. Ижодкор ҳар бир воқеанинг муҳим жиҳатларига эътибор бериб, уни яхшилик учун кураш ғоялари билан боғлаб акс эттиришда кўзлаган мақсадига эришган".

Қуйида ушбу достондан парча ҳавола этамиз.

Қаҳрамонлар ёди тошга ёзилди,
Бу бир яхшиликдан мангу из эди.
Эзгулик халқимнинг қонида бордир,
Шижоат, садоқат, ор-номус ёрдир.
Муқбил ота жанги ўчмас хотира,
Пайғамбар севгиси йўқолмас сира.
Ёлғиз жанг қилишга қолди ўзлари,
Бошга термуларди қора кўзлари.
Шунда Имом боши тилга кирганди,
Руҳингиз жаннатда, Муқбил, деганди.
Хўжа Довуд Дамашқ чўққига кетар,
Имом Ҳусайнни юксаклар кутар.
Кузакда изғирин шабада билан,
Қорли чўққиларга интилар дилдан.
Бўйнига Имомнинг боши осилган,
Кўҳи Тоява тоғда қисмат ёзилган.
Қорли чўққилардан илдамлаб борар,
Тахтгоҳ чўққиси ҳам кўриниб турар.
Ковуш партгоҳ* турар чўққи остида,
Оппоқ қор кўринар қалъа устида.
Мўминлар кўзланган жойга келдилар,
Аллоҳга илтижо этдилар улар.
Супанинг устига бошни қўйишди,
Қизил рўмолчани энди ёйишди.
Аллоҳ эзгуликни яхши кўради,
Ҳар кимнинг амалин кўриб туради.
Аллоҳ истагандай бўлар ҳар доим,
Ҳазрати Султонда бўлдилар қоим.
Супанинг остидан туйнук очилди,
Жаннат гуллари ҳам бошга сочилди.
Жаннатдан жой олди Ҳусайн боши,
Туйнуги бекилди, суриллди тоши.
Хўжа Довудий ҳам жаннатга кирди,
Унга мангу ҳаёт Аллоҳим берди.
Жаннатда Кавсардан улар сув ичди,
Оби-Раҳмат сувин, Кавсарга қўшди.
Кимки шу булоқда чўмилса бир бор,
Кўради бунда не ажойиб сир бор...
Ҳазрати Султонда ғаним қолмади,
Халқим махфий тутиб, юз йил бормади.
Жонворлар зиёрат этади ҳар йил,
Минг йилки, буни ҳам махфий тутар эл.
Улуғлар ёдини асрайди башар,
Зиёрат этгани инсонлар шошар.
Тўрт минг юз метрли чўққида супа,
Ёзда қор ёғади, тўшалар кўрпа.
Оппоқ қор ёққанда кўргани келинг,
Аллоҳ карамига шукрлар қилинг...

* *Кавуш партоҳ — "остона" маъносида*

Диққат: обуна!

Халқ донишмандлиги, маҳалла иши намунаси, отахон ва онахонлар ҳаёт тажрибаси ойинаси, сизнинг содиқ йўлдошингиз — Mahalla дир.

Ф. МТ-1

Mahalla газета/журнал — 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи) Комплектлар сони

йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

п.в. жойи

НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ

Mahalla 148 (нашр кўрсаткичи)

(нашр номи)

Обуна баҳоси _____ сўм Комплектлар сони

_____ йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга (почта индекси) (Манзилгоҳ)

Кимга (фамилияси, исми ва отасининг исми)

МИНИ-ФУТБОЛ ТУРНИРИГА МАРҲАМАТ!

"Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастурида белгиланган соғлом турмуш тарзи ва саломатликни тарғиб қилиш мақсадида "Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари таҳририяти шу йилнинг 1-7 ноябрь кунлари журналистлар ўртасида ўзбек футболининг фидойиси Олимжон Акбаров хотирасига бағишлаб мини-футбол бўйича турнирини Тошкент шаҳрида ўтказади.

Ғолибларни бир неча номинациялар бўйича Диплом ва катта мукофотлар кутмоқда. Унда қатнашишни истаган таҳририятлар журналистлари жамоалари 2005 йилнинг 25 октябрига қадар 9 нафар футболчи ва бир нафар мураббий исми-фамилияси ёзилган рўйхатни қуйидаги манзилга етказиши керак.

Тошкент шаҳри, Эшон Бобохон кўчаси, 67-А уй.
"Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газетаси таҳририяти.
Тел:144-17-37, 144-06-69 (факс).

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОҒЛАР, АТТРАКЦИОНЛАР, БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб қолган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертиздан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Каҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: 107-16-00, Тел./факс: 152-13-01.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САЙДОВ, Нигматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Беҳбуд ЖУМАЕВ, Таҳнаберди ҚУРБОНОВ.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

7219 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-922
1 2 3 4 5
Топширилди —